




*2022 апрель*

**Аҳолининг даромадлар  
кесимида инфляция даражаси  
ва сезилган инфляция**

---




**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки**

**Тошкент 2022 йил**

## I. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси


2022 йилнинг апрель ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан **сезилган инфляция пасаяувчи** динамика кўрсатиб, **14,6 фоизни** ташкил этган бўлса, жавобларнинг медиана<sup>1</sup> қиймати **11,4 фоиз** атрофида шаклланди (1-расм).

1-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси (фоизда)



Шу билан бирга, умумий жавоб берувчилар таркибида сезилган инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида ҳис қилган респондентлар сони кўпчиликни ташкил қилди. Жавобларнинг **мода кўрсаткичи**<sup>2</sup> ҳам ўтган ойга нисбатан **пасаяувчи** динамика кўрсатди (2-расм).

2-расм. Сезилган инфляция бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)




<sup>1</sup> **Медиана қиймати** – ўтган 12 ойда инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймати.

<sup>2</sup> **Мода қиймати** – ўтган 12 ойда инфляция даражаси бўйича респондентлар томонидан энг кўп белгиланган жавоблар қиймати.


Респондентларнинг кўпчилик қисми апрель ойида **ўсимлик ёғи, шакар ва қандолат** маҳсулотлари ҳамда **нон ва ун** маҳсулотлари қимматлаганини сезишган бўлса, **ичимликлар, дуккакли маҳсулотлар** ҳамда **алоқа ва интернет** нархи бироз ошганини таъкидлашган (3-расм).

3-расм. Нархлари юқори ўсганлиги қайд этилган жавоблар (умумий жавобларга нисбатан, фоизда)



Фаолият соҳалари бўйича **умумий овқатланиш, қурилиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги** ҳамда **тиббиёт** соҳаларида фаолият юритаётган респондентлар томонидан сезилган инфляция даражаси бошқа соҳа вакилларига нисбатан юқорироқ шаклланди.

4-расм. Соҳалар ва ҳудудлар кесимида сезилган инфляция (фоизда)



Ҳудудлар кесимида


Аҳоли	
Бухоро вил.	17.2
Наманган вил.	15.8
Хоразм вил.	15.6
Қашқадарё вил.	15.1
Сирдарё вил.	15.1
Тошкент вил.	15.0
Фарғона вил.	14.6
<b>Республика</b>	<b>14.6</b>
Тошкент ш.	14.5
Самарқанд вил.	14.0
Навоий вил.	14.0
Жиззах вил.	13.9
Қорақалпоғистон	13.7
Андижон вил.	13.4
Сурхондарё вил.	12.6

Сезилган инфляциянинг нисбатан юқори кўрсаткичлари **Бухоро**, **Наманган** ҳамда **Хоразм** вилоятларида кузатилган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар **Сурхондарё** ва **Андижон** вилоятларида қайд этилди.

## II. Даромадлари кесимида инфляция динамикаси

2022 йилнинг апрель оyi якунлари бўйича йиллик инфляция даражаси **10,4 фоизни**, озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси эса **13,4 фоизни** ташкил этган бўлиб, бунда, истеъмол товарлари нархларининг ўзгариши аҳолининг турли даромадли гуруҳларига турлича қийматга эга бўлди.

5 - расм. Даромадлар кесимида йиллик инфляция динамикаси (йиллик фоизда)



**Манба:** Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари


Апрель ойида барча даромад гуруҳларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши секинлашгани кузатилди ва бу айрим асосий турдаги мева ва сабзавотларнинг янги ҳосили чиқиши ҳисобига нархларнинг мавсумий пасайиши билан изоҳланади.

Озиқ-овқат инфляцияси ўсишининг секинлашгани, айниқса, нисбатан кам даромадли (2 – 4 млн. сўмгача) гуруҳлар учун инфляциянинг сезиларли пасайишига сабаб бўлди.

Ташқи омиллар, логистика ва импорт билан боғлиқ масалалар ҳисобига барча даромад гуруҳларида ноозиқ-овқат товарлари нархи юқорироқ шаклланди.


Апрель ойида ижтимоий товарлар<sup>3</sup> нархлари ўсиши ўтган ойга нисбатан (йиллик ҳисобда) **11,8 фоизгача** секинлашган бўлиб, бунда, умумий инфляция билан фарқ **1,4 фоизгача** қисқарди.

6-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



Шу ўринда, ижтимоий товарлар нархларининг ўсиши секинлашишини ўсимлик ёғлари (*кунгабоқар ва пахта ёғи*), картошка ва тухум нархларининг йиллик ҳисобда пасайиши (*ўтган йилнинг апрель ойида юқори база эффементи*) билан изоҳлаш мумкин.

7-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



<sup>3</sup> Ижтимоий товарлар: Мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, тухум, картошка, пиёз, сабзи, олма, гуруч, биринчи навли буғдой уни, обинон, ўсимлик ёғлари ва шакар (*умумий инфляция таркибидаги вазни - 15,4 фоиз*).